

# Мавлид маросимларида нима учун тик турилади?

14:12 / 27.03.2017 5935

## Мавлид тарихига кичик назар

Ойлар ичида Робиъул аввал ойи ўзига хос шараф ва қадр-қимматга эга. Чунки, унда бутун оламларга раҳмат тариқасида юборилган сўнгги пайғамбар жанобимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам дунёга келганлар. Шу тўғрисида мавлид ойларида пайғамбаримиз алайҳис-салом ҳақида битилган қасида ва мадҳияларни жамоавий тарзда ўқиш ва зиёфатлар бериш одатга айланган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тарафларидан "хойрул-қурун" деб мақталган уч асрда мавлид маросимлари, агарчи айни биз нишонлаб тургандек шаклда амалга оширилмаган бўлса-да, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавлидларини байрамона кайфиятда нишонлаш, унда жамланиб пайғамбаримиз ҳақида битилган қасида ва мадҳияларни ўқиш, сийратларини ўрганиш, хатми қуръон қилиш ва саловотлар айтиш, турли тансиқ таомлар билан дўстларни сийлашлик, совғалар ва ҳадялар улашиб, мўъминлар қалбига шодлик улашиш ислом оламида жуда узоқдан мавжуд бўлиб келаётган анъанавий одатдир. Муаррих Ибн Халликон "Вафийят-ул-аъён" асарида зикр қилишича, мавлид маросимини биз кўриб, эшитиб одатланган ҳолидек нишонлашни расман давлат миқёсида ташкиллаштирган дастлабки ҳукмдор Арбил (Ироқ) волийси - малик Музаффаруддин Кўкбўр бўлган. (1190-1233). Аллома ибн Касир "ал-Бидоя ва-н-Ниҳоя" асарида Малик Музаффарнинг бу ишларини таҳсинга сазовор эканини айтиб ўтган.

Шунингдек, Абдулҳай ал-Лакнавий ҳазратлари томонидан, асри саодатда яшаб ижод қилган шоир Ҳассон (р.а.)га Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари ўзларининг мадҳлари битилган байтларини ўқитганлари мавлидга далил дейилганини қайд қилиш ўринли. Чунки, унинг қасидаларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тавсифлари, мўъжизалари, насл-насаблари, туғилишлари борасида сўз юритилган экан. Мавлиднинг мустаҳаб ва мандуб амал эканига Ҳазрати Билол (р.а.)нинг кўчаларда ва бозорларда одамларни тўплаб, Расулulloҳ

соллаллоҳу алайҳи ва салламни зикр қилиб айтиб бериб, юрганларини ҳам далил сифатида келтириш мумкин (Абдулҳай Лакнавий. Мажмуат ал-фатово. 3-жилд. – Лакнав: Юсуфий, 1325. 128-130 бетлар). Шу ерда таъкидлаш лозимки, саҳоба шоир Ҳассон (р.а.) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин ҳам одамлар тўпланган жойларда, хусусан, масжидда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга атаб қурдириб берган минбарда туриб ўз қасидаларини одамларга ўқиб берган. Бу борада саҳиҳ ҳадис тўпламларидаги далиллар етарлидир.

Абдулҳай ал-Лакнавий айтишича, саҳобалар ва ундан кейинги даврларда ҳам мавлидга ўхшаган маросимлар бўлган, бироқ, улар мавлид номи билан аталмаган. Масалан, аввалги замонларда ҳозирги диний илмларнинг ҳаммаси бўлган, лекин уларнинг номи ҳозиргидек бўлмаган, аввалги замонларда мадрасалар ҳам бўлмаган, кейинчалик мадрасалар барпо қилинди, одамлар мадраса ўқимаса, олим деб саналмайдиган бўлди ва ҳоказо (Абдулҳай Лакнавий. Мажмуат ал-фатово. 1-жилд. – Лакнав: Юсуфий, 1325. 39-46 бетлар).

### **Мавлид ўтказиш ҳақидаги икки фикр**

Тарихга назар қилар эканмиз, ислом умматининг мавлидун-набийни нишонлаш жоиз-жоиз эмаслиги хусусида иккига бўлинганини кўрамиз. Бу ихтилофнинг асл негизи эса "бидъат масаласи"га бориб қадалади. Бидъатларнинг яхшиси бўлмайди, барча бидъат залолатдир, деб айтувчилар, мавлид маросимини ҳам, унинг мақталган уч асрда мавжуд бўлмаганини пеша қилиб, мавлид бидъати залолатдир, дейди. Аммо, бидъатларни яхши ва ёмонга ажратувчилар эса мавлид яхши бидъатдир, уни нишонлашда савоб ва ухровий манфаъат бор, деб ҳукм қиладилар.

Икки томон вакиллари ҳам ўз даъволари асосида кўплаб китоблар битган. Шунингдек, бир-бирларига раддия сифатида ёзган рисоалари ҳам оз эмас. Биргина мисол тариқасида Тожуддин Фокиҳонийнинг (вафоти 734-ҳж) мавлид маросими инкорида "ал-Маврид фи амалил-мавлид" рисоласи ва унга раддия сифатида битилган ҳофиз Жалолуддин Суютийнинг "Ҳуснул мақсид фи амалил мавлид" рисоласини олиш мумкин.

Шунингдек яна, мавлидни нишонлашда ҳаддан ошган ва шариатдан ўзлари билмаган ҳолда четга чиқиб қолган "мавлидхон" тоифалар ҳам онда-сонда учраб турган. Бу ҳолатни кўпроқ мутаассиб жоҳил сўфийларда кузатиш мумкин. Улар тарафидан мавлид маросимларига турли мункаротлар ҳам киргизилган. Масалан, эркак ва аёлларнинг бир-бирига аралшиб зикр рақсларига тушишлари, қасида-ю байтларни бўлмағур музиқалар билан ижро қилишларини олиш мумкин. Шунингдек яна, кишини ҳайратда қолдирадиган тўқималар ҳам ихтиро қилинган.

Ўз навбатида мавлиднинг мункирлари ҳам рақиб томонни аяб ўтирмагани, айбловларида ҳаддан ошганликлари, ҳатто мавлидхонларни омматан, ёппасига "мушрик" дейишгача борганларига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, Носир Албонийга мансуб "Бидъатул-мавлид" рисоласида, Солиҳ бин Фавзон ал-Фавзонга мансуб "Ҳукмул-ихтифол би-зикрил мавлидин-набавий" рисоласида, шунингдек, Абдуллоҳ ибн Бознинг "Ҳукмул-ихтифол бил-мавлидин-набавий" рисоласида мавлид маросимларидан ашаддий қайтарилган ва унинг бари муҳаррамот ва ширкий амаллардан иборат экани иддао қилинган. Албатта, бу муаллифларгача бўлган бутун ислом оламининг энг буюк ва энг таниқли уламолари ва асрлар давомида яшаб, ихлос қўйиб келаётган мусулмонлар жамоаси ҳеч қандай инкорсиз мавлид маросимларини ўтказиб келаётганларини эътибордан қочирмаслигимиз даркор. Бинобарин, нима бўлганда ҳам, шариатда инкор қилинмаган ишлар содир қилинмасдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавлиди шарифлари қиёматгача ўтказилишига шак-шубҳа йўқ.

## **Мақоламизнинг асл мақсади**

Айни дамда бизнинг мақсадимиз мавлид тўғрисидаги икки томон фикрлари ҳақида баҳс қилишлик, уларнинг далилларини тадқиқ қилиб, ўртада ҳакамлик қилиш эмас. Биз мавлид маросимини муқаддам уламолар тартибга солиб берганидек, мункар ва муболағалардан четда турган ҳолда шариъатда асли бор амаллар билан нишонлаб бораверамиз. Балки, бизнинг ниятимиз мақола сарлавҳасида ишора қилганимиздек, мавлид маросимида одатга айланган "қиём", яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобларининг дунёга келиш қиссаси сўзланганда, издиҳом

қатнашчиларининг ёппасига ўрндан тик туришлари ҳақида сўз юритишликдир. Чунки, айна мавзуни ёритишлик, қиём ҳақидаги ҳақиқатни жамоъатчилик олдига олиб чиқиш ҳозирги кунда муҳимроққа ўхшайди. Негаки, аҳли илмларимиз орасида айримлари маҳалли қиёмдан қаттиқ қайтармоқда, яна бошқалари маҳалли қиёмда собит турган ҳоллари кузатиляпти. Ҳатто икки томон бир-бирларини "аҳли бидъат" дейишгача борган ҳоллари ҳам йўқ эмас. Хўш, аслида қиёмнинг ҳукми нима? Умуман, бирон шахсга тик туриб мулозамат кўрсатишлик жоизми? Мавлид маросимида қоим туришнинг асли борми? Агар бор бўлса ҳукми нима? Фарзми, вожибми ё бошқа? Айнан биз маҳалли қиёмда нима учун тик турамиз? Бу саволларга имкон қадар жавоб топишга жазм қилдик.

## **Шарафли шахсларни кўрганда, эҳтиром юзасидан тик туриб кутиб олиш**

Гўзал ҳулқлилар табиатида бир инсоний фазилат бор. Бу—ўзига нисбатан шарафли, юқори мартабали кишиларни кўрганда эҳтиром юзасидан ўрндан туриш одати. Бундаин хушфеълликни мусулмонларда ҳам, ғайри мусулмонларда ҳам кузатиш мумкин. Яна, айрим ҳусни хулқли кишиларда камоли камтарлиги ва тавозелиги сабабли унга ўринларидан туриб пешвоз чиққанларга: "Турманглар, ўтираверинглар!" дейиш одати ҳам бор. Бу ҳам кишининг хулқи ва феъллиги хос иш. Бу хилдаги фазилатларнинг энг мукамал намунасини, Пайғамбаримиз алайҳиссаломда ва ул Жанобга эргашишда уммати муҳаммадиянинг пешқадамлари бўлган саҳобалар орасида кўриш мумкин.

Масалан, "Мишкот ул-масобиҳ"да келтирилган қуйидаги ҳадиси шарифлар худди бизнинг мавзумиздадир.

وہیلع ہللع ىلص ہللع لوسر ج رخ :لاق ،ہنع ہللع ىضر ةماما ىبا نع - 4700  
مطعي مجاعألل موقى امك اوموقت ال" :لاقف هل انمقف ،اصع ىلع ائكتم ملس  
دواد وبا ہاور "اضعب اہضعب

4700 - Абу Умома (р.а)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг ҳузуримизга, (беморлиги сабаб) асога таянган ҳолда чиқиб келдилар, бас, биз ул зот(нинг эҳтироми) учун

Ўрнимиздан турдик. Шунда бизга Расулulloҳ шундай деди: "Ажамлар бир-бирларини улуғлаб, тик тургани каби (мен учун ўринларингиздан) турманглар!"

(Матн таржимасида қавс ичига олиб ёзилган қўшимча изоҳлар мавлоно мулла Али ал-қорининг шарҳидан олинган).

Ҳадиси шарифдан кўриниб турибдики, саҳобалар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан камоли эҳтиром ва том муҳаббатли бўлган, уларнинг қалбидаги бу ҳис туйғулари ҳатто ташқи ҳатти-ҳаракатларида ҳам намоён бўлар эди. Бинобарин, улар Расулulloҳни кўришлари билан одоб ва таъзим юзасидан ўринларидан туриб кутиб олдилар. Бироқ, анбиёлар султони Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни бу феълдан қайтардилар. Расулulloҳнинг қайтаришлари нима сабабдан эди, деган саволга эса ул зотнинг *موضع م طعي مجاع ألاموق* "Худди ажамларнинг баъзилари баъзиларини улуғлаб тик турганидек" деган сўзларида жавоб бор. Яъни, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларини жуда яхши билар эдилар. Уларнинг ул зотга бўлган муҳаббату-садоқатлари ва жон-фидоликларини ҳам қадрлар эдилар. Лекин шундай бўлса-да, Расули акрам жанобимиз ўз умматларини, улуғларга эҳтиром кўрсатишда ажамларга ўхшаб қолишларини хоҳламадилар ва "Агар эҳтиром учун қилинган иш ажамларнинг сохта такаллуфларига ўхшаб қолса, ундаин феълни мен хушламайман, унинг тарки афзалдир", деган маънода "Худди ажамларнинг айримлари айримларига таъзим юзасидан турганидек менга тура кўрманглар", деб насиҳат қилди.

Мавлоно Мулла Али ал-қори ҳазратлари "Шарҳуш-шифо" асарида юқоридаги ҳадиснинг изоҳида қуйидагиларни ёзади:

"Ушбу ҳадисга биз Саъд (р.а.) эшакка миниб келган вақтларида, Расулulloҳнинг ансорларга хитобан "Саййидингиз учун туринглар!", деган хитобини қарама-қарши қўя олмаймиз. Чунки, Саъд (р.а) ўша вақтда соғлигидан шикоятда эди ва маркабидан тушиб ўрнашиб олиш учун бирикки киши эмас, балки бир жамоъанинг ёрдамига муҳтож эди. Шунингдек, "Саъд ҳадиси" билан ҳалқ орасида урф-одатга айланиб кетган "тик туриш"ни мустаҳаблигига далил қилмоқчи бўлган киши ҳақиқатдан жудаям узоққа кетибди.

Ҳақиқатга яқинроғи шуки, юқорида келтирилган ҳадисдаги наҳийни макруҳи танзиҳийга ёки фақат араблар тоифасига хос деб олишимиздир. Токи, араблар ҳам одоб кўрсатишда ажамларнинг такаллуфдан иборат

одатларига ўрганиб қолмасинлар. Чунки, ажамлар ўз одатларида, тик туришни одоб ўрнида ҳеч такаллуфсиз қилиб келганлар.

Ат-Талмасоний (р.х.) айтади: Тик туриш тўрт қисмдир:

1- Мамнуъ туриш. Яъни, ман қилингани – гуноҳ бўладигани унинг учун туришларини яхши кўрадиган кимсага туришдир.

2- Макруҳ туриш. Буниси эса унинг учун туришни ёқтирмайдиган кимсага туришдир.

3- Жоиз туриш. Тавозели, камтар олимлар учун туришдир.

4- Гўзал туриш. Сафардан келган кимса учун пешвоз чиқиб туришдир.

Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларнинг тик туришни суннат қилиб олишларидан қўрққан эдилар. Зотан, ул зоти шариф аҳли залолатга ўхшатиш қилишни асло ёқтирмасдилар ".

(Али ал-қори. Шарҳ аш-Шифо. 1-жилд. – 288- Б. Дорул-кутубил-илмия Байрут. Лубнон.).

4698 - لوسر نم مهيل لبحا صخش نكي مل : لاق ، هنع هللا ى ضر كل لام نب سن أن ع - 4698  
هت هارك نم ملعي امل ، اوموق ي مل هوأر اذا اوناك و ، ملس و هيلع هللا ى لص هللا  
ح.حي ص نسح شي دح اذه : لاق و ى ذمر ت ل ه اور . كل لذل

4698-"Анас Ибн Молик (р.а)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар:

Бирон-бир шахс саҳобаларга (Аллоҳ улардан рози бўлсин) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўра маҳбуброқ бўлган эмас. (Шундай бўлса-да), улар Расулуллоҳни кўрганларида ўринларидан турмас эдилар. Негаки, улар Расулуллоҳнинг қиёмни ҳуш кўрмасликларини билар эдилар".

Термизий ривоят қилган ва бу ҳасан, саҳиҳ ҳадис, деган. Имом Термизий мазкур ҳадисни "Шамоили Муҳаммадия"да 322-рақам билан қайд қилган.

Мулла Али ал-қори "Мирқот"да бу ҳадисни шарҳлаб, қуйидагича сўзларни айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Роббилари олдида камоли камтарлигидан, шунингдек, золим ва мутакаббирлар одатига қасддан мухолафат қилиш учун, у кишига бошқалар тик туриб эҳтиром қилишини хушламас эдилар. Ул зоти шариф, еб-ичишлик, ўтириб-туришлик, кийинишлик ва барча ишларда такаллуфдан воз кечган ҳолда



4699 - Муовия (р.а.) дан ривоят қилинди, у киши деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Кимни атрофидаги кишилар тик туришлари хурсанд қиладиган бўлса, бас, у дўзахдаги жойини эгалласин!" (Термизий, Абу Довуд ва имом Аҳмад роҳимаҳумуллоҳ ривоят қилишган).

Мулла Али ал-қори ҳазратлари "Мирқот"да шундай ёзади: "Зоҳир шуки, ўрnidан тик турувчиларнинг нияти, таъзийм учун туришликни хилофи ўлароқ, ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ бўлса, бунинг зарари йўқ. Зеро, бунга "Саъд ҳадиси" ҳам далолат қилади. "Дўзахдаги жойини эгалласин!", деган сўзлар амр сийфасида бўлса-да, аслида дарак маъносидадир. Яъни, кимники ўша ҳолат ҳузурлантурса, унга дўзахдаги жойига тушишлик вожиб бўлибди.

Айтилишича, бу ваъийд, тик туришдан ҳузурланишнинг қаринаси билан, такаббур йўлидан юрганларга хосдир. Аммо, ўша шарафли шахс унинг атрофида тик туришларини талаб қилмаса, уни кўрганлар ҳам ўз ихтиёрлари билан савоб умидида, камтарлик билан ўринларидан турса, бунинг зарари йўқдир.

Имом Байҳақий "Шуъаб ул-иймон" да Хаттобийдан айна ҳадиснинг изоҳида қуйидаги сўзлар айтганини ривоят қилади: "У ҳадисда кибр, катталиқ ва фахр қилиб, атрофидагиларга тик туриб мулозамат қилишларини амр қилишлиқ ва уларга шу вазифани юклашлиқ назарда тутилгандир. Хаттобий атадики: "Саъд ҳадиси"да кишининг фазилатли раис ҳузурида, адолатли ҳоким ҳузурида тик туришлиги, шунингдек, талаба ўз муаллимининг олдида тик туришлиги мустаҳаб эканига далолат бордир. Макруҳ эмасдир". Байҳақийнинг ўзи Хаттобийнинг сўзига қўшимча қилиб айтади: "Бу қиём, яъни, мустаҳаб бўлган қиём икром ва яхшилиқ қилиш тариқасида бўлади. Худди ансорлар Саъд разийаллоҳу анҳуга турганларидек ва Талҳа разийаллоҳу анҳу Каъб ибн Моликка турганидек. Энди, бир кишининг атрофида бошқалар тик турса, ўша шахс улардан шу тик туриб мулозамат қилишларини хоҳлаб исташи, агар унга бошқалар тик турмаса, уларни айблаши ва уларга гина қилиши ярашмайдиган ишдир.

"Шарҳус-сунна"да келтирилишича, Абдуллоҳ ибн Омир ва Абдуллоҳ ибн Зубайр разийаллоҳу анҳума бирга ўтирган эдилар. Бир вақт уларнинг ҳузурига Муовия разийаллоҳу анҳу чиқиб келди. У кишини кўрган Ибн Омир ўрnidан турди, Ибн Зубайр эса ўтирган ҳолича қолди. Шунда, Муовия разийаллоҳу анҳу айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Кимни атрофидаги кишилар тик туришлари хурсанд қиладиган

бўлса, бас, у дўзахдаги жойини эгалласин!" (Мирқотул-мафотих. 8/жилд. 476-477 бетлар. Дорул-фикр Байрут 1994.)

## "Саъд ҳадиси"

Улуғларни кўрганда уларга таъзиман тик туришликни суннат, деган аҳли илмларнинг деярли барчаси "Саъд ҳадиси"ни далил қиладилар. Шунингдек, мавлиддаги маҳалли қиёмда туришни вожиб даражасига кўтарганларнинг ҳам китобларида худди шу "Саъд ҳадиси" асосий далил сифатида келтирилган.

Ушбу "Саъд ҳадиси"нинг матни "Мишкот ал-масобех"да қуйидагича келтирилади:

4695- ىلع عظيمىرق ونب تلزن امل :لاق ،هنع هللى ىضرى ردىللا دىعس ىبا نع 4695-  
ءاجف ،هنم ابىرق ناك و ،ههلى ملس و ههلىع هللى ىلص هللى لوسر شعب ،دعس مكح  
ملس و ههلىع هللى ىلص هللى لوسر لاق ،دجس ملل نم اند املف ،رامح ىلع  
"مكدىس ىللى اوموق": راصنألل

4695 - Абу Саъийд ал-Худрий (р.а.) дан ривоят қилинди, у киши деди: Қачонки, Бану Қурайза Саъднинг ҳукмига тушганди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга (бир одамни) жўнатди. У эса Расулуллоҳга яқин жойда эди. Бас, Саъд эшакка минган ҳолда етиб келди. Қачонки, масжидга яқин келганди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорларга қарата: "Саййидингизга туринглар!", дедилар.

Хандақ жангида яҳудийлардан бўлмиш Бану Қурайза қабиласи Расулуллоҳга хиёнат қилади. Макка мушриклари мақсадларига ета олмай ортга қайтганидан сўнг Пайғамбаримиз алайҳиссалом Бану Қурайза яҳудлари устидан ҳукм чиқаришни уларнинг розилиги билан, ўз улуғларидан бўлмиш Саъд ибн Муъоз разийаллоҳу анҳуга ҳавола қилади. Айни дамда Саъд разийаллоҳу анҳу Хандақ жангида билагидан яраланган, оғир аҳволда эди. У Расулуллоҳнинг чақириғига биноан эшакка минган ҳолда етиб келади. У киши Расулуллоҳга яқин келганида, жаноби пайғамбаримиз унинг қавмига қарата: "Саййидингизга туринглар!", дейдилар.

Мавлоно Али ал-қори ҳазратлари "Мирқот"да "Саййидингизга туринглар!", ибораси икки ҳил изоҳ қилинганини айтадилар.

1) Айтилишича, "Саййидингизга туринглар!", дегани – унга таъзим қилиш учун туринглар, деганидир. Бу билан тик туришнинг макруҳ эмаслигига ҳам далил қилинади. Бу ердаги буйруқ феъли мубоҳлик ва жоизликни ифода қилади.

2) Айтилишича, у сўзнинг маъноси – саййидларингизга маркабидан тушиб олишига ёрдам бериш учун туринглар, деганидир. Чунки, у киши ярадор бўлгани сабаб ўзи тушишга қийналарди. Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таъзим учун туришларини истаганида, *مكديس لىل اوموق* эмас, балки *مكديس ل اوموق* деб айтган бўлардилар. Расулуллоҳ жаноблари амр қилишда фақат ансорларнинг ўзларинигина танлаганлари ва ҳамда "Ўз саййидларингизга бошқаларнинг саййиди эмас", деган маънони ифода қилувчи изофа билан "саййидингизга" деб айтишлари айна шу маънони қўллаб турибди. Шунингдек, Пайғамбар жанобимиз бутун оламлар саййиди бўлиши билан бирга, саҳобалар ул зоти шарифга ўринларидан турмас эдилар. Чунки, улар Расулуллоҳ буни қариқ кўришини яхши билар эдилар.

Турбуштий айтадики: ҳадисдаги қиёмдан мурод, ажамларнинг одатига айланган таъзим учун қилинадиган қиём эмас. Бу қандаям бўлиши мумкин, ваҳоланки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобларининг унақанги қиёмдан қайтарганлари ва умрларининг охиригача шу қарорларида содиқ қолгани саҳиҳ ривоятларда тасдиқланган бўлса?! Саъд ибн Муъознинг билагига найза санчилик қон томири узилган эди. У кишининг ҳаракат қилиши мумкин эмасди, чунки томиридан қон оқиб кетиш хавфи бўлган. У кишини Бану Қурайза устидан ҳукм чиқаришга олиб келинганида, Расулуллоҳ унинг қавмига, унга ёрдам бериш ва эшакдан тушиб олишига кўмаклашиш учун ўринларидан туришни амр қилдилар. Бас шундай экан, Расулуллоҳнинг *مكديس لىل اوموق* деган сўзларининг маъноси *ت اوع لىل اوموق* деганидир. Агар у билан таъзим ва улуғлашни кўзда тутганларида *مكديس ل اوموق* деган бўлардилар.

Энди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобларининг Икрима ибн Абу Жаҳл (р.а.) келганида унга ўрнидан тургани ва Адий ибн Ҳотамдан ривоят қилинган "Қачонки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига кирсам, ул зоти шариф албатта ўринларидан турарди ёки бир ҳаракатланиб қўярдилар", деган хабар заъиф бўлгани учун улар билан таъзим учун туришнинг жоизлигига ҳужжат қилиб бўлмайди. Адий ибн

Ҳотамдан машҳур бўлгани " جى عسو و ال " яъни, албатта менга сурилиб, ўтирган ўрнини кенгайтирардилар, деган ривоятдир.

Мабодо, у икки хабар саҳиҳ бўлиб собит бўлганида ҳам, у хабарларни ҳолат тақозосидан келиб чиқиб, тик туришга рухсат бермоқ, маъносига йўйилади. Зеро, Икрима ибн Абу Жаҳл Қурайшнинг раисларидан эди. Адий ибн Ҳотам эса Бану Тойй қабиласининг саййиди эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни кўрганидан ўрнидан туришлари билан уларнинг қалбида исломга илиқлик уйғотишни мақсад қилганлар. Ёки, у иккисидан, раисликка бўлган раъбатларига мувофиқ, уларга тик туриб пешвоз чиқишларига интилиш сифати ошкор бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шуни ҳисобга олиб, айнан уларга ўринларидан туриб муомалада бўлганлар. (Турбуштийнинг сўзи тугади).

Зоҳир шуки, Икримага (р.а) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб пешвоз чиққанларида Икрима (р.а) асирликдан озод этилиб Мадинадан кетишига рухсат этилгач, Маккага бориб у ердан муҳожир мўъмин сифатида қайтиб келган эди. Шунда унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: "جَاهِم لِبِكْر لِبَابِ اَب ح ر م", яъни, "муҳожир отлиққа марҳабо" деганлари ҳам ривоятларда айтилган. (Али ал-қори. Мирқотул-мафотих. 8-жилд. – Байрут: Дорул-фикр, 1994. 473-бет.)

### **Мавлид маросимларидаги маҳалли қиёмда тик туриш масаласи**

Тан оламизки, улуғлар тириклигида қандай ҳурмат эътиборга ҳақли бўлса, вафотларидан кейин ҳам худди шундай эҳтиромга муносибдирлар. Бу ҳақида Қози Иёз раҳимаҳуллоҳнинг "Шифо"даги ушбу сўзларини келтириб ўтиш ўринлидир. У киши шундай дейди: "Шуни яхши билингки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни вафотидан кейин ҳам ҳурмат қилиш, ул зотни тавқир ва таъзими худди ҳаётлик чоғидаги каби лозимдир. Бундаин эҳтиром, ул зотни ёдга олинганда, шунингдек, ҳадислари ва суннатларини эсланган вақтда, муборак исми ва сийратларини эшитганимизда, аҳли байтлари билан муомала қилиш жараёнларида кўриниши керак. Абу Иброҳийм Тужийбий айтадики: "Қайсики бир мўмин киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёдга олса ёки унинг ҳузурида ул зоти шарифни зикр қилинса, у мўъмин ўзини худди Ҳазрати

Мустафонинг ҳузурида турганидек фараз қилиб бироз эгилиб, эҳтиром кўрсатиши ва қалбида хушуъга бориши ва албатта ҳаракатидан тўхтаб Расулуллоҳ жанобларига нисбатан Аллоҳ таоло таълим берганидек одоб кўринишига ўтиши вожиб бўлади". (Қози Иёз ўзлари айтадики), Абу Иброҳийм Тужийбий айтганидек, одоб бу – айна салафи солиҳлар ва муқаддам уламоларимизнинг сийрати эди". (Али ал-қори. Шарҳ аш-Шифо. 2-жилд. Байрут: Дорул-кутубил-илмия, 70- бет).

Кўриб турганимиздек, юқоридаги манбада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ул зотнинг вафотидан кейин қандай эҳтиром қилиш ўргатилмоқда. Бироқ, ул зотнинг номларини эшитганда тик туриш кераклиги ҳақида Қози Иёз ҳам Абу Иброҳийм Тужийбий ҳам бирон нарса демаган. Яна, Қози Иёз ҳазратлари юқоридаги иборалардан кейин, салафлардан бир қанчаларини номма-ном келтириб, уларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан кейин ул зоти шарифга қай тарзда одоб ва эҳтиромли бўлганларини ҳикоя қилади. Улардан бирортасида "фалончи Расулуллоҳнинг номларини эшитганда ўрнида туриб таъзим қиларди" деган сўз йўқ. Шунингдек, "қиём" мавзусига доир ҳадисларнинг бирортасида ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотидан кейинги ҳоли у ёқда турсин, ҳатто, ул зотнинг ҳаётлик чоғларида ҳам, тик туриб эҳтиром қилиш саҳобалар одати бўлган эканига асло далил йўқ. Аммо, ислом уммати жуда узоқлардан буён мавлид маросимларида, қачонки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобларининг туғилиш қиссалари баён қилинар экан, дарҳол ўринларидан туришни одат қилган.

Абдулҳай Лакнавий томонидан мавлидда ҳақиқий хурсандчилик ва шодмонлик билан бериё турса маъзур, дейилган. Сухбат одоби шуки, шу ерда ҳозир бўлганлар сухбатдошларига эргашмоғи мақбул. Бироқ, ихтиёрий ҳолатда важд ва хурсандлик йўқ вақтида туриш фарз ҳам эмас, вожиб ҳам эмас, суннати муаккада ҳам эмас, мустаҳаб ҳам эмас. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ва аввалги учта замонда яшага уламолардан нақл қилинган эмас. Лекин, Ҳарамайн шарифайнда асрлар давомида то XX аср ўрталаригача мавлид вақтида қиём қилиниш одат бўлган. Барзанжий ҳам Мадинада яшаган бўлиб, ўзининг машҳури жаҳон мавлид китобида уни истеҳсон деб баҳолаган (Абдулҳай Лакнавий. Мажмуат ал-фатово. 3-жилд. – Лакнав: Юсуфий, 1325. 130 бет).

## Мавлидун-набий маросимларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг руҳлари ҳозир бўладими?

Мавлидун-набий маросимларида иштирок қилувчиларнинг айримлари мавлиддаги "маҳалли қиём", яъни, тик туриш ҳолатини бу мажлисга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг руҳлари ҳозир нозир бўлади, деган эътиқодда бўлишлари мумкин. Бу шаръий манбаларга кўра бузуқ эътиқодлар сирасига киради.

Масалан, бундай эътиқодга, "Тазкийрун-нос бикалами Аҳмад Аттос" номли рисолаининг 182- бетида қуйидаги ибораларни мисол қилса бўлади:

إلى بوسنم لادوم لاي في ليق له ،ساطع لانسح نب دمأ يديسل ليق  
إلى هلوأ نم هتءارق رضحي ملسو هيلع هلل لىلص يبنلأ نأ يعبيدلأ ثدحمل  
لىلص يبنل رضحي :لوق يساطع لادبع نب حلاص بيحلل او ،معن :لاق ؟رخأ  
هرضحى هإنف يعبيدل لوم ال إهف ماقمل دنع لوم لك يف ملسو هيلع هلل  
هك

Яъни, "Сайид Аҳмад бин Ҳасан Аттосдан сўралди: муҳаддис Дайбаъийга мансуб мавлид қиссаси ўқилганда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиссанинг аввалидан то охирига қадар у ерда хозир-у нозир бўлиб тураркан. Шу гап ростми? У жавоб бердики: ҳа. Ҳабиб Солиҳ бин Абдуллоҳ ал-Аттос айтар эдиларки: Ҳар бир мавлид қиссаларидаги мақом (тик туриш) вақтида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хозир бўлиб туради. Аммо, Дайбаъийнинг мавлиди ўқилганда эса бошдан то охирига қадар Расулulloҳ у ерда хозир бўлиб туради".

Диққат қилинса, бу рисолада айтилган иддао на шариатга ва на мантиққа мос келади. Бу ерда бир шахснинг муридлари ўз пирларини илоҳийлаштириб, ҳатто Расулulloҳ (с.а.в.)га нисбатан ҳам ёлғон тўқишдан тап тортмаганлар.

Ҳанафий олимларининг муҳаққиқлари бундай эътиқодни куфр деганлар.

1) "Фатовойи Баззозийа"да қуйидагича фатво берилган:

رفكې ملعت ةرضاح خياشم ل حاورا لاق نم انءام ل لاق اذه ن و

"Шунга кўра, уламоларимиз: "Кимки: "Машойихлар руҳлари ҳозир бўлиб, билиб туради", деса, кофир бўлади, деганлар"

(Ҳофизиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Баззоз ал-Кардарий. Фатовойи ал-баззозийа. (ал-Жомеъ ал-важиз). 2-жилд. – Қозон, 1889. – Б. 383).

هنال رفكې مدرک هاوگ ار ناکت شرف و ار یداخ لوسر و ار یداخ لاق و دوهش ال ب جوزت و تسار تسد ناکت شرف هلوق فالخب، بیغل ناملعي کلمل و لوسرلانا دقتعا ناملعي امهال مدرک هاوگ اربچ تسد

"Гувоҳсиз уйланишга келсак, биров: "Худо ва Худонинг расулини гувоҳ қилдим. Фаришталарни ҳам гувоҳ қилдим", деса кофир бўлади. Чунки, пайғамбар ва фариштани ғайбни билади, деб эътиқод қилган бўлади. Бу "Ўнг қўл фаришталари билан чап қўл фаришталарини гувоҳ қилдим", деган гапида ундай эмас. Чунки, икки фаришта уларни билиб туради"

(Ҳофизиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Баззоз ал-Кардарий. Фатовойи ал-баззозийа. (ал-Жомеъ ал-важиз). 2-жилд. – Қозон, 1889. – Б. 382).

2) "Хулосат ул-фатово"да қуйидагича фатво берилган:

ارناگت شرف و مدرک هاوگ ار یداخ لوسر و ار یداخ لاقف ادهاش رضحي مل و جوزت لجر بیغل اب ملع کلمل و لوسرلانا دقتعي هنال یواتفلا ی رفکې مدرک هاوگ ال ثیح مدرک هاوگ اربچ تسد هت شرف و ار تسار تسد هت شرف هلوق فالخب باصنلانی ناملعي امهال رفکې

"Бир кимса уйланса-ю, гувоҳ ҳозир бўлмаса, у: "Худо ва Худонинг расулини гувоҳ қилдим. Фаришталарни ҳам гувоҳ қилдим", деса фатво тўпламларида айтилишича, кофир бўлади. Чунки, пайғамбар ва фариштани ғайбни билади, деб эътиқод қилган бўлади. Бу "Ўнг елка фаришталари билан чап елка фаришталарини гувоҳ қилдим", деган гапида ундай эмас, бу ҳолатда кофир бўлмайди. Чунки, икки фаришта уларни билиб туради. "Нисоб"да шундай келтирилган"

(Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдуррашид ал-Бухорий. Хулосат ал-фатово. 4-жилд. – Лакнав: Мунший навол кишвар, 1911. – Б. 385).

3) Юқоридаги иқтибосларга асосланиб, Абдулҳай Лакнавий "Балки эътиқод шундайки, бирор кимса Аллоҳдан ўзгасини ҳар вақт ва ҳар онда ҳозир нозир, ошкораю махфийни билувчи деб эътиқод қилса, ушбу эътиқод

ширкдир", деган (Абдулхай Лакнавий. Мажмуат ал-фатово. "Хулосат ал-фатово" ҳошиясида. 4-жилд. – Лакнав: Мунший навол кишвар, 1911. – Б. 330-331).

4) Абдулхай Лакнавий ўзининг бошқа бир асарида юқоридаги эътиқод бўладиган бўлса, мавлид асносида тик туришдан қайтарган:

ی ف ہ س ف ن ب رض ی م ل س و ہ ی ل ع ہ ل ل ی ل ص ی ب ن ل ل ا ن ا م ہ ن و ر ک ذ ی ا م ا ہ ن م و  
و ا م ی ط ع ت د ل و م ل ا ر ک ذ ن ع م ا ی ق ل ل ہ ی ل ع ا و ن ب و ہ د ل و م ر ک ذ ن ع ہ د ل و م ط ع و س ل ل ا ج م  
و ل ا م ت ح ا ل ا د ر ج م و ل ی ل د ب ک ل ذ ت ب ث ی م ل ل ی ط ا ب ا ل ا ن م ل ط ا ب ا ض ی ا ا ذ ہ و ا م ا ر ک ا  
ن ا ی ب ل ل ح ن ع ج ر ا خ ن ا ک م ا ل ا

"Қиссагўй ва мавъизагўйларнинг яна бир ишларидан бири, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мавлидларининг ваъз мажлисларида ул зотнинг туғилишлари эсланаётган пайтда ўзлари ҳозир бўладилар, деб зикр қилишларидир. Шу сабабли улар мавлид зикри вақтида таъзим ва икром юзасидан қиём – тикка туришни барпо қилиб олганлар. Бу ҳам далил билан исботланмаган ботиллардан бир ботил ишдир. Ҳар хил эҳтимоллар ва имкониятларни далил қилишлар эса баён чегарасидан хориждир"

(Абдулхай ал-Лакнавий. ал-Асор ал-марфуъа фи-л-ахбор ал-мавзуъа // Мажмуат расоил ал-Лакнавий. 5-жилд. Каротчи (Покистон): Идорат ал-Қуръон ва-л-улум ал-исломия, 1419. – Б. 34).

**Мавлид маросимларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туғилишлари зикри асносида тик туриш ҳақида уламолар нима дейдилар?**

Мавлид ҳақида битилган китобларнинг баъзиларида, маҳалли қиёмда тик туришни суннат ва ҳатто вожиб даражасигача кўтарган аҳли илмлар ҳам йўқ эмас. Ҳатто, баъзи олимлар, мавлидда тик турмасликни: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан ҳурматсизлик", дейишгача борганлар. Ўшаларнинг деярли ҳаммаси, юқорида айтиб ўтганимиздек, асосан, "Саъд ҳадиси"га таянган ҳолда сўз айтадилар. У ҳадис ҳақида эса машҳур ҳанафий олими шайх Мулла Али ал-қори ҳазратларининг шарҳлари бизга кифоя қилади. Шу туфайли мавлиддаги тик туришни инкор

қилувчиларга раддия қилишда ҳаддан ошганларнинг китобларидан намуна келтиришни лозим топмадик. Бироқ, бу ерда мавлидда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туғилишлари баён қилинаётган вақтда тик туриш мумкинлиги, унинг жоиз амал эканлиги, мустаҳаб ва ўтган улуғ зотларнинг анъаналари эканини зикр қилинган манбаларга мурожаат қиламиз:

1-) Ҳанафий муфассирлардан Исмоил Ҳаққий (р.а.) "Рух ул-баён" китобида "Фатҳ сураси"нинг охири оятлари тафсирида бундай дейди:

هرس سددق ىطويسلل اماماللا لاق .ركنم هيف نكي مل اذا دلوملل لمع هميظعت نومو  
اماللا دنن عممجا دقو .ىهتنا مالسللا هيلع هدلومل ركشلل راهظا انل بحتسي  
لوق دشنم دشنأف هرصع ءاملل نم ريك نىك بسللا نيدلا ىقت  
طخللا ىفطصلل حدمل لىلل :مالسللا هيلع هدم ىف هلللا همحر ىرصرصلل  
... هعامس دنن فارشللا ضهنت ناو بتك نم ن سحلا طخ نم قرو ىلع ... بهذلاب  
نم عيمحو ىكبسللا اماماللا ماق كلكل دنن عف بكرلا ىلع ايثج وا افوفص امايق  
ءآتقاللا ىف كلكل ىفكويو سللمل كلكل ميطع سنا لصلل صللجللاب

Яъни, қачонки, мавлид маросимларида мункар ишлар бўлмаса, уни нишонламоқ, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг таъзимларидандир. Имом Суютий қуддиса сирруҳу айтадики: "Пайғамбар алайҳис-саломнинг мавлиди туфайли ҳурсандчилик қилиш бизга мустаҳабдир".

Имом Тақиюддин ас-Субкийнинг (1284-1355м.) ҳузурида унга асрдош уламолардан иборат катта жамоъат йиғилди. Шунда биров Абу Закариё Яҳё Сорсорий Ҳанбалийнинг (вафоти 656 ҳж) Расулуллоҳ (с.а.в.) мадҳида битган шеърини ўқиди.

Моҳир хаттотлар, бирон қоғозга Расулуллоҳнинг мадҳи учун тилло билан ёзсалар ҳам, камлик қилар.

Ва камлик қилар, ҳар қандай шарафлилар ул зотни эшитганда саф-саф туриб ё тиззалаб бўйин эгмоқлари.

Худди шу мисра ўқилган дамда Имом Субкий ва йиғин қатнашчиларининг ҳаммаси ўрнидан турдилар. Ўша мажлисда жуда катта хурсандчилик, шодлик ҳосил бўлди. Ўшанинг ўзи эргашмоқликка кифоя қилади. (Исмоил Ҳаққий. Рухул-баён. Фатҳ сураси).

2-) Шайх Муҳаммад ибн Аҳмад Алийш Моликий (р.а.) имом Барзанжийнинг мавлид қасидасидаги ушбу:

"ةيور و ةياور ووذ ةمئا فيرشلا هلوم ركذ دنع مايقلال نسحتسا دق و اذه"

"Шуни ушлангки, Расулulloҳнинг мавлиди шарифлари зикр қилинган чоғда тик туришни соғлом фикр ва илмли имомлар, яхши амал, деб баҳолаганлар", деган сўзларининг изоҳида Имом Мадобифийнинг мавлид китобидан, қиём ҳақидаги ушбу танбеҳни нақл қилади:

هللا ىلص هلوم ركذ ىللا حادمل اىهتنا اذلسانللا مايقب ةداعلالا ترج \*هيبنت\*  
مىظعللارورسللا و حرفللا راهظللا نم اهي فامل ةبحتسم ةدب ىه و .ملس و هيلع  
...

Танбеҳ! Маддохлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туғилиш ҳодисалари зикрига етганида одамлар ўрнидан туриш одати жорий бўлиб кетди. У амал мустаҳаб бидъатдир. Чунки, унда хурсандчилик ва сурури азиймнинг изҳори бор. (Муҳаммад Алийш Моликий. Ал-Қовл ал-мунжий ала мавлиди-л-Барзанжий. Миср: Дорул-кутубил-арабия ал-кубро, 1327. 50-бет).

3-) Муҳаммад Алавий Моликий "Ҳавл ал-ихтифол би-зикрил-мавлид ан-набавий аш-шариф", деб номлаган рисолаида қиём ҳақида алоҳида фасл қилади. Унинг аввалида, баъзи мавлидхонларнинг жоҳилона куфрий этиқодини танқид қилади. Яъни, қасидагўйлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобларининг дунёга келиш қиссасига етганда ул зоти шарифнинг руҳи, ҳатто баъзи жоҳиллар эса жасади билан айна мажлисда ҳозир бўлиб туради, деган ақиданинг ботил эканини баён қилади ва бу вақтдаги қиёмнинг ўзи ҳақида бундай дейди:

ال و ،ةنس ال و ،بجاوب وه سيل يوبنللا دلوملا ىف مايقلال نأ ملعاف ،اذه تم لع اذ  
اذا ف .مه رورس و مه حرف نعانللا اه رب عي ةك رح ىه امنل و .ادبأ كلذ داقتعل حصي  
كلت ىف عماسللا روصتي ايندلا ىللا جرخ و دلو ملس و هيلع هللا ىلص ه نأ ركذ  
كلذل ارهظم موقيف ةمعنللا هذهب ارورس و احرف صقري هلل نوكللا نا ةظحلللا  
و ،ةدابع تسيلل انل .ةينيدال ةضحم ةيداع ةلئسم ىهف ،اربعم ،رورسللا و حرفللا  
اهب سانللا ةداع ترج نأ الل ىه ام و .ةنس ال و ،ةعيرش ال

Юқоридаги маълумотларни билиб олган бўлсангиз, энди, буни ҳам билиб қўйингки, Мавлидун-набавийда тик туришлик вожиб ҳам, суннат ҳам эмас! Ва уни доимий қилиш керак, деб эътиқод қилиш ҳам ярамайди! Расулulloҳ (с.а.в.) нинг туғилиши ва дунёга келиши зикр қилинган лаҳзада тингловчилар шундай тасаввур қиладики, гўё бутун борлиқ шодлик ва хурсандликдан рақс тушмоқда, шунда у ҳам, ўша шодлигини изҳор қилиб ўрнидан туради. У бу ҳаракати билан ўзининг шодлигини



соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаноблари ул зотга тик туриб, таъзим қилишларини хоҳламаган ва қариҳ кўрган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун бор-будидан воз кечишга ҳамиша тайёр бўлган саҳобалар ҳам, ул зоти шарифга ҳар қанча муҳаббатли бўлишларига қарамай, ўринларидан туриб таъзим қилмаганлар. Расулуллоҳнинг ҳаётлик чоғида жорий бўлган ҳукмлар ул зоти шарифнинг дорул-бақога кўчганларидан кейин ўзгариб қолмаслиги барчага ойдек равшан. Бинобарин, ул зотнинг ҳаётлик чоғида тик туриб таъзим қилмаган саҳобалар вафотларидан кейин ҳам муборак номларини эшитганда, тик туриб таъзим қилмадилар. Бу ишни тобеинлар ва табъа тобеинлар орасида ҳам содир бўлганига бирорта далил йўқ.

Аммо, бирон нимадан шод бўлганда изҳори сурур учун ўриндан тик туриб кетишлик одати асри саодатда ҳам мавжуд бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Икрима ибн Абу Жаҳл (р.а.) Маккадан мўъмин бўлиб, муҳожир сифатида қайтиб келганида унга: "Отлиқ муҳожирга марҳабо!", деган ҳолда тик туришларини, Оиша (р.а.) онамизнинг оналари, у зоти шарифанинг пок экани ҳақидаги оят нозил бўлгач, унинг ҳузурига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салам ташриф қилганларида, қизларига қарата "Расулуллоҳга ўрнингдан тур!" деган сўзларини мисол қилиш мумкин. Чунки, Икрима (р.а.) Маккадан қайтиб келганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуда шод бўлгандилар. Шунингдек, Аллоҳ таоло Оиша (р.а.) онамизнинг пок эканини ошкор қилгач, унинг ҳузурига бир қанча муддат маҳзун бўлиб юрган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари, суюнчилаб келганларида ул зоти шарифанинг оналари жуда ҳам шод бўлиб кетгандилар. Шу туфайли қизларига суюнчилаб, "Расулуллоҳга ўрнингдан тур!" деганлар.

Мулла Али ал-қори ҳазратлари ҳам "Шарҳ аш-шифо"да ат-Талмасонийнинг сўзларини нақл қилиб, тик туришнинг гўзал бўлгани бу сафардан келган одамга туриш дедилар. Одатда сафардан қайтган кимсага уни соғ-омон қайтиб келганидан шодланиб унга пешвоз чиқилади, табиийки, бу пайтда беихтиёр ўриндан туриб кетишлик одати бор. Бу одат диний амал эмас. Зотан, бу одатни ғайри мусулмонларда ҳам учратиш мумкин.

Қози Иёз роҳимаҳуллоҳнинг "Шифо"даги таълими бўйича, қачонки, мавлид маросимларида иштирок этар эканмиз, биз гўёки ўзимизни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдида тургандек тасаввур қилишимиз керак. Зотан, салафлар одоби шундай бўлган. Ул зоти шариф ҳақидаги қиссаларни эшитар эканмиз, гўёки ўзимизни айни ўша даврда юргандек

ҳис қилишимиз даркор. Шундай экан, қачонки, ул зоти шарифни дунёга келишлиги ҳақидаги суюнчили хабарни эшитганимизда, шодланиб ўз хурсандчилигимизни изҳори ўлароқ ўрнимиздан турамиз. Бу худди бирон ютуққа эришган кимсанинг шодликдан ўзини бошқара олмай ўрнидан туриб кетган, одатий ҳолатига ўхшаш бўлади.

Мавлиддаги қиёмни биз вожиб, ё суннат демаймиз. Шунингдек, буни ҳар доим ҳам қилиш лозим ва шарт, деб айтмаймиз. Бу амални худди шу тариқада бажарганларни аҳли залолат, демаймиз. Шунингдек, уни бажармаганларни ҳам аҳли бидъат дейишга асло ҳаққимиз йўқ. Аслида, мавлиднинг ўзи бидъати ҳасана бўлганидек, унда тик туриш ҳам бидъати ҳасана бўлиб, уни инкор қилиш ҳеч қандай эътиқодни булғамайди, инсонни аҳли суннат ва жамоа йўлидан ҳам чиқармайди. Бу ердаги аввалдан келаётган ихтилоф ишнинг афзалини белгилашда бўлган, холос. Афзалиятни белгилашдаги тортишувда одамларни куфрга, мубтадеъга чиқаришнинг асло кераги йўқ.

Демак, биз мавлид маросимларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дунёга келишлари зикр қилинган ўринларда шодланиб, хурсанд бўлиб ўрнимиздан турамиз.

Мақола муаллифи: Ҳикматуллоҳ Иброҳим

Мақола муҳаррири: Ҳамидуллоҳ Беруний